

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУСУРМАНОВ АЛИШЕР АМИРҚУЛОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ
УНУМДОРЛИГИНИ МУЛЧАЛАШ ВА КАМ ИШЛОВ БЕРИШ
ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Мусурманов Алишер Амиркулович

Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини мулчалаш
ва кам ишлов бериш орқали ошириш.....3

Мусурманов Алишер Амиркулович

Повышение плодородия орошаемых почв Мирзачульского оазиса путём
мульчирования и минимальной обработки21

Musurmanov Alisher Amirkulovich

Increasing the fertilitu of irrigated soils of Mirzachul oasis by mulching and
minimal tillage.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУСУРМАНОВ АЛИШЕР АМИРҚУЛОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ
УНУМДОРЛИГИНИ МУЛЧАЛАШ ВА КАМ ИШЛОВ БЕРИШ
ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx273 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (<http://www.ziyounet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қурвонтоев Раҳмонтой**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонетлар: **Абдуллаев Анвар Хайдарович**
биология фанлари доктори

Парпиев Ғофуржон Тохирович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38

Диссертацияси автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги № _____ -рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунё бўйича 110 млн гектардан ошiq майдонда тупроқларни химояловчи технологиялар, шундан Бразилия ва АҚШда 26,5 млн, Канада, Аргентина, Австралияда 14 млн, Парагвай, Боливия, Хитой, Испания, Финляндияда 2,4 млн гектардан майдонда жорий этилмоқда»¹. Суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда тупроқларни химояловчи ресурстежамкор технологияларни қўллаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда тупроққа кам ишлов бериш (Mini-till) ёки тўғридан-тўғри экиш (No-till) ва ҳар хил материаллар билан тупроқ юзасини мулчалош орқали тупроқларни химояловчи ресурстежамкор технологияларни қўллаш бўйича бир қатор устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кам ишлов бериш технологиясининг тупроқ сув-физикавий ва физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш, мулчалош усулларини қўллаш орқали тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларини мақбуллаштириш, унумдорлигини оширишда қўлланиладиган замонавий агротехнологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда суғориладиган тупроқлардан самарали фойдаланишда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш орқали илмий асосланган деҳқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада тупроқнинг физикавий, кимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорликни ошишига эришилмоқда. Лекин, суғориладиган тупроқларда мулчалош билан кам ишлов бериш технологиясини биргаликда қўллаш бўйича ўтказиладиган тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларини, энг аввало, сув ва ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларини жорий этиш»² муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли суғориладиган тупроқларда мулчалош ва кам ишлов бериш технологиясини қўллаш орқали сарф қилинадиган ҳаражатларни тежаш, тупроқ ҳайдов қатлами зичлигини камайтириш, тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сувни тежаш, ўғитлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ўсишини, ривожланиш ва ҳосилдорлигини ошириш, экологик соф маҳсулот олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини

¹ www.fao.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора тадбирлари» тўғрисидаги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4974-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда ва республикада тупроқ унумдорлиги ва унинг бошқа хоссаларига мулчалош ва кам ишлов беришнинг таъсирини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқотлар хорижлик олимлардан A.Galeton, V.Mahrez, J.Katan, G.B.Edmond, J.N.Landers, Tian Li Wen, X.Bangfa, Chen Guan Wen, S.Sarkar, X.P.Allen, K.Keller, K.Krowetto, X.X.Bennet, U.Loudermilk, ўзбекистонлик олимлардан И.Турапов, Ш.Т.Холиқулов, Г.А.Безбородов, Б.И.Ниязалиев, К.М.Очилов, О.Махмудов, Р.Қурвонтоев, А.С.Шамсиев, А.Санақулов, Л.Мирзаев, О.Эгамбердиев, О.Пўлатов, Ш.Ахмирзаев, А.Нурбековлар томонидан олиб борилган. Лекин ушбу тадқиқотларда мулчалош ва кам ишлов бериш технологияси биргаликда ғўза-буғдой навбатлаб экиш тизимида қўлланилмаган, шу билан бирга ширинмия ўсимлиги қолдиғи мулча сифатида ишлатилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг К-7-084 «Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида кузги буғдойни экиш, йиғиштирилмаган ғўзапоя ва ўсимлик қолдиқларини майдалаб мулчалошни амалга оширадиган технологияни қўллаш» (2009-2011 йй.), А-7-ФҚ-0-56759 (КА-7-010) «Пахта чигити, кузги буғдойни экиш, ғўзапоя, сомон ва оралик ўсимликлар қолдиқларини майдалаб мульчалош орқали суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш технологиясини такомиллаштириш» (2012-2014 йй.) мавзуларидаги амалий ва ҚХИ-5-055-2016 «Суғориладиган тупроқларда кам ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мирзачўл воҳаси суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг унумдорлигини мулчалош ва кам ишлов бериш технологиясини қўллаш орқали оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мирзачўл воҳаси суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларига кам ишлов бериш ва органик қолдиқлар билан мулчалошнинг тупроқ умумий физикавий хоссаларига, шўрланиш ва намлик даражасига таъсирини ўрганиш;

тупроқ структураси ҳосил бўлишида мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсирини ўрганиш;

органик қолдиқлар билан мулчалаш ва кам ишлов беришнинг тупроқдаги озик моддалар миқдори ҳамда ўсимлик таркибидаги озика моддалар миқдорига таъсирини ўрганиш;

тупроқни кам ишлов бериш ва ўсимлик қолдиқлари билан мулчалашнинг ғўза, буғдой ва мошнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ғўза ва буғдой миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсирини асослаш ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мирзачўл воҳасида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг умумий физикавий хоссалари, структураси, сувга чидамли агрегатлар, шўрланиш, мулча, органик ва озика моддалар, гўнг, сомон, ширинмия қолдиғи, ғўзапоя, буғдой, ғўза, мош.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар ТАИТИ ва ЎзПИТИ институтларида ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услублардан фойдаланилди. Дала тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар», «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения», тупроқларни кимёвий, агрокимёвий ва агрофизикавий таҳлиллари «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель». Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов тенгламаси ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди, ўсимликлар миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси статистика (SPSS-2014) дастури ёрдамида, иқтисодий самарадорлик ҳисоблаш усулида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Мирзачўл воҳаси суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларида кам ишлов бериш ва органик моддалар билан мулчалашнинг биргаликда қўлланилишининг тупроқ умумий физикавий, шўрланиш ва намлик даражаларига таъсири аниқланган;

тупроқ юзасини мулчалашда ширинмия ўсимлиги чиқиндиси қўлланилганда тупроқ структура ҳолатига таъсири аниқланган;

мулчалаш ва кам ишлов беришнинг тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озика моддалар миқдорининг ошишига таъсири исботланган;

мулчалаш ва кам ишлов беришнинг ғўза ва буғдой миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция боғланишлар даражасига таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мирзачўл воҳаси суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида органик моддалар (ширинмия чиқиндиси, гўнг, сомон, ғўзапоя) билан мулчалаш ва кам ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган, натижада тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари мақбуллашиши ҳисобига

ғўза-буғдой ва такрорий экин мош ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсири аниқланган;

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида тупроққа кам ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган, натижада ушбу технологияни қўллаш асосида ғўзадан 2,6-3,5 ц/га, буғдойдан 3,1-3,8 ц/га, мошдан 1,3-1,5 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот натижаларининг дала ва кимёвий-аналитик усулларидан фойдаланган ҳолда математик-статистик таҳлил ўтказилганлиги натижасида асосида исботланган, ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотлари тасдиқланганлиги, тажрибадан олинган маълумотларнинг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, шунингдек ЎзР ОАК томонидан эътироф этилган, нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида илмий тадқиқот натижалари чоп этилганлиги, республикада ўтказилган VIII инновацион ярмаркада иштирок этганлиги, олинган ишончли ва самарали натижаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур илмий ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мирзачўл воҳаси суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида органик моддалар (ширинмия чиқиндиси, гўнг, сомон, ғўзапоя) билан мулчалош ва кам ишлов беришнинг тупроқ хосса-хусусиятларига бевосита таъсири тўғрисида янги маълумотлар олинганлиги ва экин майдонларидан самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мулчалош ва кам ишлов бериш технологиясининг экин майдонларидан самарали фойдаланишда, тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларини мақбуллаштиришда, ғўза-буғдой ва такрорий экин мош ўсимликларидан сифатли ва мўл ҳосил олишга эришилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини мулчалош ва кам ишлов бериш орқали ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда органик қолдиқлар билан мулчалош (ширинмия қолдиғи, гўнг) ва кам ишлов бериш технологияси Сирдарё вилояти Гулистон тумани «Қарабчи» фермер хўжалигининг 64 га ер майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/021-218-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида анъанавий қўлланилаётган усулга нисбатан буғдойдан гектаридан 3,0-10,4 центнер, мошдан 1,1-2,0 центнер қўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик 20,2-32,7% фоизга ошишига эришилган;

ғўзани пуштада экиш ва органик қолдиқлар билан мулчалош технологияси Сирдарё вилояти Гулистон тумани «Каримжон Муроджон Файз» фермер хўжалигининг 46 га ер майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/021-218-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш ҳисобига мулча

сифати ва турларига боғлиқ ҳолда ғўзадан гектаридан 2,6-4,7 центнер қўшимча ҳосил олинган ва рентабелликни 18,0-25,9 фоизга ошириш имконини берган;

тупроққа кам ишлов бериш технологияси Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Элдор Камрон Бахти» фермер хўжалигининг 22 га майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02/021-218-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш асосида ғўзадан гектаридан 2,6-3,5 центнер, буғдойдан 3,1-3,8 центнер, мошдан 1,3-1,5 центнер қўшимча ҳосил олинган ва рентабелликни 18,0-22,0 фоизга оширишга эришилган ва ҳудуд тупроқларининг унумдорлигини ошириш бўйича бир қатор асосланган хулосалар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 12 та, жумладан 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, 4 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мулчалаш ва кам ишлов бериш технологиясининг ўрганилганлик ҳолати (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тупроқларни мулчалаш ва кам ишлов бериш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг хосса-хусусиятларига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг, айниқса, ширинмия ўсимлиги чиқиндисининг мулчалашда фойдаланилиши ўрганилмаганлиги, ушбу технологияларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш, сақлаш, улардан деҳқончиликда тизимли ва

мақсадли фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек мамлакатимизда суғориладиган тупроқлардан фойдаланишда ташкилий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, объектлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни ва иқлим шароитлари, геоморфология ва гидрогеологияси, тупроқ пайдо қилувчи она жинс, тупроқлар хоссаларини ўзгаришида антропоген омиллар таъсири, тажриба тизими ва услублари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мирзачўл воҳаси Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган бўлиб, географик ўрнига кўра, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ён бағри қир-адирликларидан Сирдарёнинг ҳозирги ўзанигача кенлиги 70-120 км, Фарҳод коридори (Фарғона водийси дарвозаси)дан у шимолда Чордара сув омборигача узунлиги 150 км дан ортиқ бўлган улкан текисликдан иборат, Қозоғистон Республикаси, шарқда Сирдарёнинг ҳозирги ўзани, жануби-шарқда Тожикистон ерлари, жанубда Туркистон ва Молғузар тоғ тизмалари, шимоли-ғарбда Арнасой ботиғи билан чегараланади.

Сирдарё вилоятининг ҳудуди ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши мўътадил, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $+13,5^{\circ}$ - $+14,8^{\circ}$ C, ҳароратнинг энг юқори кўрсаткичи июнь-июль ойларида бўлиб, у $+44,5^{\circ}$ - $+45,9^{\circ}$ C га, энг совуқ кўрсаткич эса декабрь, январ ойларида $-1,8$ - $0,7^{\circ}$ C, қишда ҳароратнинг пасайиб кетиши Фарғона водийсидан ва шимолий совуқ ҳаво оқимларини қириб келиши билан боғлиқдир.

Суғориладиган тупроқлар шароитида мулчалаш ва кам ишлов бериш дала тажрибалари ва Республикада умумқабул қилинган ЎзПИТИ ва ТАИТИ услубий қўлланмалари асосида 8 та вариант 4 қайтарилишда юқорида қайд этилган таҳлил усулларида ва қуйидаги схема асосида олиб борилди:


Тажрибалар вариантлари жойлашиш схемаси:

I-қайтарик				II- қайтарик			
1. ғўза назорат	2. ғўза сомон	3. ғўза ширинмия	4. ғўза ғўнг	1. ғўза назорат	2. ғўза сомон	3. ғўза ширинмия	4. ғўза Ғўнг
5. буғдой назорат	6. буғдой ғўзапоя	7. буғдой ширинмия	8. буғдой ғўнг	5. буғдой назорат	6. буғдой ғўзапоя	7. буғдой ширинмия	8. буғдой ғўнг
мош	мош	мош	мош	мош	мош	мош	мош
III- қайтарик				IV-қайтарик			
2. ғўза сомон	1. ғўза назорат	4. ғўза ғўнг	3. ғўза ширинмия	2. ғўза сомон	1. ғўза назорат	4. ғўза ғўнг	3. ғўза ширинмия
6. буғдой ғўзапоя	5. буғдой назорат	8. буғдой ғўнг	7. буғдой ширинмия	6. буғдой ғўзапоя	5. буғдой назорат	8. буғдой ғўнг	7. буғдой ширинмия
мош	мош	мош	мош	мош	мош	мош	Мош

Изоҳ-Минерал ўғитлар меъёри ғўза учун-N-250, P-175, K-125; буғдой учун- N-200, P-150, K-100*

Диссертациянинг «Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг хоссаларига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсири» деб номланган учинчи бобида тупроқ умумфизикавий, агрокимёвий хоссаларига, структурасига, шўрланиш даражасига мулчалаш ва


кам ишлов беришнинг таъсирини ўрганишга оид тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, унинг «Тупроқ умумфизикавий ва сув хоссаларига мулчалош ва кам ишлов беришнинг таъсири» 3.1-бўлимида тупроқ қаттиқ қисми зичлиги яъни солиштирма оғирлиги унинг минералогик таркиби ва органик моддалар миқдорига боғлиқ бўлиб, мулча сифатида берилган органик моддалар кам бўлганлиги туфайли солиштирма оғирлигига сезиларли таъсир қилмайди унинг миқдори 2,56-2,66 г/см³ ни ташкил этади.



1-расм. Мулчалош ва кам ишлов беришнинг ғўза ва буғдой майдони ҳажм ва солиштирма оғирлигига таъсири


Вегетация бошида ғўза ва буғдой экилган мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантларда ҳайдов қатлами зичлиги (ЧО) 1,33-1,42 г/см³ ва 1,44-1,52 г/см³, назоратда 1,46-1,59 г/см³ ва 1,47-1,51 г/см³ ташкил этган бўлса, вегетация охирида мулчалош ва кам ишлов берилган вариантларда (ЧО) 1,36-1,46 г/см³ ва 1,32-1,42 г/см³, назоратда эса зичлик қатор ораларига ишлов бериш ва суғориш натижасида бўкиш ҳисобига бирмунча камайган, аммо юқори даражада сақланиб қолганлигини (1,41-1,46 г/см³ ва 1,46-1,49 г/см³) кўриш мумкин (1-расм).

Мулчалош ва кам ишлов бериш технологиясини жорий қилишда тупроқнинг умумий ғоваклиги (УҒ) муҳим аҳамиятга эга. Олинган натижаларда вегетация бошида тупроқ юқори қатламида ғўза ва буғдой экилган мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантларда умумий ғоваклик 42-48% ва 44-49%, назорат вариантыда 40-44% ва 40-44%, вегетация охирида мос равишда умумий ғоваклик 4-2 (46-50)% ва 2-1 (46-50)% гача ошган бўлиб, назорат вариантыда эса 40-44% ва 43-45% ни ташкил қилиб ғоваклик ўзгармаган (2-расм).



2-расм. Ғўза ва бугдой майдони умумий ғоваклигининг мулчалаш ва кам ишлов бериш таъсирида ўзгариши


Ғўза экилган мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантларда вегетация даврида ҳар доим намлик, айниқса, юқори қатламларда баланд бўлиши кузатилди. Ғўза экилган мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантларда вегетация даврида ҳар доим намлик, айниқса, юқори қатламларда баланд бўлиши кузатилди. Апрель ойида юқори қатламда мулчаланган вариантларда 16,2-19,2%, назорат вариантыда 14,1-16,2%, июл ойида мос равишда 12,5-16,5%, назорат вариантыда 10,4-12,1% ни ташкил этди. (3-расм).



3-расм. Мулчалаш ва кам ишлов беришнинг ғўза ва бугдой майдони тупроқ намлик даражасига таъсири

Бугдой экилган майдонларда ҳам ушбу ҳолат такрорланди назорат вариантыда март ойида намлик 12,1-13,2%, мулчаланган вариантларда 13,4-18,9% ни ташкил этди. Вегетация охири июн ойида юқори қатламдаги намлик назорат вариантыда 8,6-9,2%, кам ишлов берилиб мулчаланган вариантларда 10,6-14,4% ни ташкил этди (3-расм).

Диссертациянинг «Тупроқ структурасига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсири» деб номланган 3.2-бўлимида, суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда агрономик қимматли агрегатлар миқдори (10-0,25 мм) ғўза ва буғдой экилган мулчаланган вариантларда юқори; 46,8-58,9% ва 49,4-68,5%, назоратда эса 44,7-51,1% ва 46,9-48,8% ташкил қилди. Айниқса, ширинмия ва гўнг билан мулчаланган вариантларда агрономик қимматли агрегатлар миқдори юқори бўлди (4-расм).




4-расм. Мулчалаш ва кам ишлов беришнинг ғўза ва буғдой майдонида макроагрегатлар миқдорининг ўзгаришига таъсири

Диссертациянинг «Тупроқ шўрланиш даражасига мулчалаш ва кам ишлов беришнинг таъсири» номли 3.3-бўлимида Мирзачўл воҳасида тарқалган тупроқ турли даражада шўрланган ва ҳудудда тарқалган тупроқларни шўрсизлантириш қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга, шўрсизлантириш усулларида бири бу тупроқ юзасини мулчалашдир. Олинган натижалар кўрсатишича, чигит экилгандан кейинги тупроқнинг шўрланиши кучсиз шўрланган ҳолатда бўлиб, назоратга нисбатан шўрланиш даражаси унча катта фарқ қилмайди.

Куруқ қолдиқ миқдори экишдан кейин назоратда 0,160-0,200% ва вегетация охирида 0,380-0,645%, гўнг билан мулчаланганда 0,155-0,215%; 0,265-0,300%, сомон ва ширинмия қолдиғи билан мулчаланган вариантларда 0,160-0,185%; 0,210-0,365% ва 0,160-0,180%; 0,205-0,325% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар тупроқнинг электр ўтказувчанлик маълумотларида ҳам тасдиқланиб, тупроқ муҳити кучсиз ишкорийликни ифодалаб рН 7,40-7,76 атрофида тебранади.


2016 йилги олинган натижаларининг кўрсатишича, ғўза экилган майдон буғдой экилганга нисбатан назорат вариантда шўрланмаган ва кам даражада шўрланган бўлиб, куруқ қолдиқ миқдори 0,540-1,020% ни ташкил қилади, мулчаланган вариантларда куруқ қолдиқ миқдори 0,580 дан 0,975% оралиғида бўлиб, кучсиз шўрлангандир.



5-расм. Мулчалош ва кам ишлов беришнинг тупроқ шўрланиш даражасига таъсири


Буғдой экилган майдонда тупроқнинг шўрланиш даражаси кучсиз бўлиб, назоратга нисбатан шўрланиш даражаси катта фарқ қилмайди. Тузлар куруқ қолдиқ миқдори назоратда 0,300-0,535% ни ташкил қилган бўлса, гўн билан мулчаланган вариантда 0,185-0,350%. Сомон ва ширинмия қолдиғи билан мулчаланган вариантларда 0,230-0,420% бўлиши аниқланди.

Дисертациянинг «Тупроқ ва ўсимликлар таркибидаги озика моддалар миқдорини мулчалош ва кам ишлов бериш таъсирида ўзгариши» 3.4-бўлимида Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, чиринди миқдори ғўза ва буғдой экилган мулчалаб кам ишлов берилган вариантларнинг юқори қатламларида кўп тўпланганлигини кўрсатди. Ғўза ва буғдой экилган назорат вариантыда гумус миқдори ҳайдов қатламида 0,715-0,770% ва 0,836-0,855% кам ишлов берилиб, яъни шудгорланмаган мулчаланган вариантларда-0,820-1,333% ва 0,961-1,365% ни ташкил қилди (6-7-расмлар).



6-расм. Мулчалош ва кам ишлов беришнинг ғўза майдони тупроқлари таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор ва калий миқдорига таъсири

Бугдой экилган назорат вариантда умумий азот миқдори 0,047-0,055%, фосфор 0,22-0,23%, калий 0,792-0,800% ни ташкил қилган бўлса, кам ишлов берилиб, органик моддалар билан мулчаланган вариантларда юқоридаги қонуниятлар такрорланиб, ширинмия билан мулчаланган вариантда умумий азот миқдори 0,059-0,064%, фосфор 0,25-0,27%, калий 0,826-0,914%, ғўзапоя билан умумий азот 0,058-0,059%, фосфор 0,24-0,26%, калий 0,836-0,946%, ғўнг билан умумий азот 0,064-0,071%, фосфор-0,25-0,26%, калий -0,885-0,946% ни ташкил этади (7-расм).



7-расм. Мулчалаш ва кам ишлов беришнинг бугдой майдони тупроқлари таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор ва калий миқдорига таъсири

Ќўзанинг вегетация даврининг бошида тупроқ юқори қатламида назорат вариантыда аммиак миқдори 3,65-4,12 мг/кг, мулчаланган вариантларда 4,16-5,80 мг/кг, нитрат назоратда 29,4-31,6 мг/кг, мулчаланганда 41,8-59,8 мг/кг ташкил қилди, ҳаракатчан фосфор назоратда 21,6-22,4 мг/кг, мулчаланганларда 23,0-34,5 мг/кг ни, алмашинувчи калий 140-145 мг/кг, мулчаланганларда 160-418 мг/кг ни ташкил этди, вегетация охирида кам ва ўртача таъминланган даражасида сақланиб қолди (1-жадвал).

1-жадвал.

Мулчалаш ва кам ишлов беришнинг ғўза майдони тупроқларининг озика моддалар миқдорига таъсири

Вариант	Чуқур лиги, см	N-NH ₄ мг/кг			N-NO ₃ мг/кг			P ₂ O ₅ мг/кг			K ₂ O мг/кг		
		10.05.	15.06.	10.08.	10.05.	15.06.	10.08.	10.05.	15.06.	10.08.	10.05.	15.06.	10.08.
1	0-15	4,12	3,65	4,24	31,6	22,6	21,4	22,4	22,1	14,1	145	175	140
	15-30	3,65	3,25	3,7	29,4	20,5	21,0	21,6	20,4	13,1	140	160	135
2	0-15	4,42	3,92	4,45	51,5	47,1	43,6	24,8	22,6	19,4	170	190	215
	15-30	4,16	4,15	3,75	44,2	40,6	41,2	23,0	23,2	18,7	160	195	200
3	0-15	5,65	3,85	5,42	41,8	38,9	48,4	31,4	24,2	18,4	380	200	240
	15-30	5,4	3,4	5,1	44,2	28,6	45,6	31,2	23,4	17,5	360	185	215
4	0-15	5,8	3,85	5,42	59,8	31,9	48,4	34,5	27,6	20,4	418	240	315
	15-30	4,75	3,6	4,16	47,2	30,4	47,2	31,4	22,4	20,1	255	235	280

Бугдой экилган назорат вариантыда аммиак ва нитратни миқдори мулчаланган вариантларда нисбатан вегетациянинг ҳамма даврларида

камлиги кузатилди. Ҳаракатчан фосфорнинг миқдори вариантлар ўртасида кескин фарқ қилмасда 0-30 см қатламда назоратда 21,1-22,0 мг/кг, ғўзапоя билан мулчаланганда 22,2-22,4 мг/кг ни, ширинмия билан 23,2-23,4мг/кг ни ва ғўнг билан 24,1-25,2 мг/кг ни ташкил қилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Мулчалош ва кам ишлов беришнинг буғдой майдони тупроқларининг озика моддалар миқдорига таъсири

Вариант	Чуқурлиги, см	N-NH ₄ мг/кг			N-NO ₃ мг/кг			P ₂ O ₅ мг/кг			K ₂ O мг/кг		
		28.03.	12.04.	10.05.	28.03.	12.04.	10.05.	28.03.	12.04.	10.05.	28.03.	12.04.	10.05.
5	0-15	4,7	3,9	3,7	31,2	29,2	27,8	22	21,5	23,5	148	128	155
	15-30	4,1	3,9	3,6	29	27,4	26,4	21,1	15,6	22,2	130	120	150
6	0-15	5,7	4,3	4,1	35,6	30,5	47,6	22,4	24,2	25,1	205	140	270
	15-30	4,7	4	4,1	34,2	28,6	41,5	22,2	19,5	29,1	210	135	280
7	0-15	6,5	5,1	4,2	34,2	31,5	47,5	23,4	31,4	34,1	220	135	310
	15-30	5,8	4,8	4,1	31,4	29	44,2	23,2	25,4	33,2	200	130	300
8	0-15	5,8	4,9	5,1	35,8	31	51,6	25,2	25,7	38,2	235	160	310
	15-30	5,2	4,7	4,9	34,2	29,5	48,5	24,1	19,5	31,1	220	165	305

Ҳаракатчан калий миқдори вегетация бошида назорат вариантыда 130-148 мг/кг, вегетация охирида 150-115 мг/кг ташкил этди, мулчаланган вариантларда назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиб, вегетация бошида 205-235 мг/кг, вегетация охирида 270-310 мг/кг ни ташкил этди (2-жадвал).

Диссертациянинг «Тупроқни мулчалош ва кам ишлов бериш таъсирида ўсимликларни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобда мулча ва кам ишлов беришнинг ғўза, буғдой ва такрорий экин мошнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳамда миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси, иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Мирзаҷўл воҳаси суғориладиган тупроқлари шароитида ўстирилган ғўзанинг асосий поя бўйи мулчаланган вариантларда ҳамма кузатилган (5.07; 5.08; 5.09) ойларида 4-8 см баланд бўлишини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал.

Ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига мулчалош ва кам ишлов беришнинг таъсири (2015-2017йй.)

№Вариант	Асосий поя узунлиги, см			Шоналар сони, дона		Ён шохлар сони, дона	Ҳосил шохлар сони, дона			Кўсақлар сони, она		Кўсақлар оғирлиги, г	Пахта ҳосили, ц/га
	5.07	5.08	5.09	5.08	5.09		5.07	5.08	5.09	5.08	5.09		
1	53,2	69,7	77,2	7,3	11,4	0,7	5,2	8,5	10,5	4,7	11,8	5,4	29,0
2	60,1	72,8	81,0	8,2	12,1	0,8	5,3	8,7	11,5	5,6	12,5	5,4	31,3
3	62,7	75,7	83,4	9,1	12,7	0,9	5,4	9,1	11,8	5,7	13,2	5,5	32,7
4	62,8	76,5	85,5	9,3	13,0	0,9	5,5	9,2	12,1	5,8	13,6	5,6	33,7

$S_x=0,21\%$, $HCP_{05}=1,0$ ц/га

Ѓўза ўсимлигининг шоналаш бошланиши даври июль ойида шоналар сони назоратга нисбатан 0,9-1,8-2,0 дона, вегетация охирига бориб, улар ўртасидаги фарқлар 1,0-1,6 донага сақланиб қолди. Тупроқда ҳосил бўлган мақбул шароитлар пахта ҳосилига ўзини сезиларли таъсирини кўрсатди. Сомон билан мулчалаган вариантда 31,3 ц/га, ширинмия билан 32,7 ц/га, гўнг билан 33,7 ц/га пахта ҳосили олинди, назоратга нисбатан ўртача мос равишда гектаридан 2,3; 3,7; 4,7 центнер кўшимча ҳосил олинди (3-жадвал).

Тажрибада тупроқга кам ишлов бериш ва мулчалашнинг буғдой ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирида барглар сони, узунлиги, эни ҳамда бошоқ узунлиги ва ундаги донлар сони бўйича ҳам органик моддалар билан мулчалаб кам ишлов берилган вариантлар устунлик қилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Буғдой ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг мулчалаш ва кам ишлов бериш таъсирида ўзгариши (2015-2017 йй.)

Вариант	1м ² да умумий поялар сони, дона	1м ² да махсулдор поялар сони, дона	Битта ўсимликдаги илдиз вазни, г	Битта поя билан барглар вазни, г	Битта бошоқдаги донлар вазни, г	Битта бошоқдаги қобиклар вазни, г	1000 та дон вазни, г	Дон ҳосилдорлиги, ц/га
5	414	314	1,45	1,53	1,55	0,50	42,2	41,0
6	448	351	1,51	1,54	1,59	0,52	45,0	45,1
7	476	405	1,55	1,57	1,67	0,54	47,4	48,5
8	490	431	1,60	1,59	1,66	0,56	49,1	51,4

$S_x=0,92\%$, $HCP_{05}=2,91$ ц/га

Июль ойида 1м² да буғдой умумий поялари сони назорат вариантда 414 дона, органик моддалар билан мулчалаб кам ишлов берилган вариантларда мос равишда 448; 476; 490 донани ташкил қилди. Буғдой дони ҳосилдорлиги бўйича мулчалаб кам ишлов берилган вариантлар устунлик қилиб ғўзапоя билан 45,1; ширинмия билан 48,5; гўнг билан 51,4 ц/га, назоратда 41,0 ц/га бўлиб, кўшимча ҳосил мос равишда 4,1; 7,5; 10,4 ц/га ни ташкил қилди.

Тажрибанинг буғдойдан бўшаган майдонларида ҳамма вариантларига такрорий экин сифатида мош уруғи экилди, назорат вариантыда 8,1ц/га, мулчалаш ва кам ишлов бериш технологияси қўлланилган вариантларда мос равишда 9,2; 9,8; 10,1 ц/га ни ташкил қилди.

Мулчалаш ва кам ишлов бериш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги бўйича 5-жадвалда қайд этилди. Ѓўза экилган назорат вариантыда ҳосилдан шартли соф фойда 1664792 сўм/га бўлди, мулчаланган вариантда шартли соф фойда сомонда 2129135; ширинмияда-2304555; гўнгда 2411055 сўм/га бўлиб, назоратга нисбатан кўшимча даромад мос равишда 564343; 639763; 776263 сўм/га ва рентабеллик 18,0; 22,8; 25,9% ни ташкил этди.

Буғдой экилган назорат вариантыда ҳосилдан шартли соф фойда 503918 сўм/га олинди. Гўнг, ширинмия ва ғўзапоя билан мулчаланган кам ишлов берилган вариантларда ҳосилдан шартли соф фойда ғўзапояда-1083573; ширинмияда-920407; гўнгда 748073 сўм/га, назоратга нисбатан

қўшимча даромад мис равишда 344155; 420155; 519655 сўм/га бўлиб, рентабеллик 20,2; 24,3; 32,7% ни ташкил қилди.

5-жадвал.

Мулчалош ва кам ишлов беришнинг ғўза ва буғдойдаги иқтисодий самарадорлиги (2017 йил нархлари бўйича)

Вариант	Ҳосил, ц/га		Сотишдан тушган пул, сўм/га	Мулча материал ларига	Жами ҳаражатлар (уруғлик, трактор агрегатлари, ёнилиги ва бошқа ҳаражатлар), сўм/га	Шартли соф фойда, сўм/га	Назоратга нисбатан фойда сўм/га	Рента беллик, %
	3-йилда ўрғача	қўшимча						
Пахта								
1	29,0	-	4640000	-	2975208	1664792	-	
2	31,3	2,3	5080000	50000	2828865	2129135	564343	18,0
3	32,7	3,7	5232000	120000	2807445	2304555	639763	22,8
4	33,7	4,7	5392000	120000	2840945	2411055	776263	25,9
Буғдой								
5	41,0	-	2255000	-	1751418	503918	-	
6	45,1	4,1	2480500	50000	1682427	848073	344155	20,2
7	48,5	7,5	2667500	120000	1523427	924073	420155	24,3
8	51,4	10,4	2827000	120000	1543427	1083573	519655	32,7

ХУЛОСАЛАР

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини вегетация даврида пуштага мулчалаб кам ишлов берилиши ҳайдов қатлами тупроқларини зичлигини энг мақбул (1,32-1,36 г/см³) даражада ушлашга имкон яратади. Ғўза ва буғдой экилиб кам ишлов берилган мулчаланган вариантларда умумий ғоваклик 42-50% ва 44-50%, назорат вариантыда эса унинг миқдори 40-44% ни ташкил этиб, мулчаланган вариантларда назоратга нисбатан 2-6% ғоваклик юқорилиги кузатилади.

2. Мулчалаб кам ишлов берилганда пушта остида тупроқ суғориш таъсирида яхши намланади, намлик захираси назорат вариантыга нисбатан 3-4% юқори бўлади, интенсив қизиш натижасида, кўчат униб чиқиши тезлашади ва кейинги даврларда ҳам назорат вариантыга қараганда намлик кам буғланади. Мулчалош ва кам ишлов бериш тупроқнинг сув ўтказувчанлигига ҳам ижобий таъсир этади. Энг мақбул сув ўтказувчанлик ширинмия чиқиндиси ва гўнг билан мулчалаган вариантларда кузатилади.

3. Тупроқнинг шўрланиш даражаси кучсиз шўрланганликни ҳолатда намоён этиб, назоратга нисбатан шўрланиши бўйича унча катта фарқ қилмайди. Мулчаланган вариантларда назоратга нисбатан (0,185%) кам эканлиги кузатилади.

4. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда агрономик қимматли макроагрегатлар (10-0,25 мм) миқдори ғўза ва буғдой экилган мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантларда назоратга нисбатан 2,1-7,8 ва 5,2-19,7% юқори бўлиши, айниқса, ширинмия чиқиндиси билан мулчаланган вариантда кузатилади.

Катталиги 3-2 мм бўлган сувга чидамли агрегатлар миқдори ширинмия чиқиндиси билан мулчаланган вариантда 4,22-4,95%, сомон билан 4,31-

4,47%, ғўзапояда 4,71%, гўнг билан 4,22-4,91, назоратда эса 3,96-4,11% ни ташкил этган бўлса, катталиги 5-3 мм агрегатларнинг миқдори мос равишда мулчаланган вариантларда 5,31-5,43%, 5,07-5,13%, 5,07-5,50% ва назоратда-3,81-5,01% ни ташкил қилди. Энг кам дисперслик коэффициенти 5,75-29,5% мулчаланган пушта остида кузатилади.

5. Тупрокни органик моддалар билан мулчалаб кам ишлов берилиб ғўза ва буғдой етиштирилганда ўсимликлар томонидан озика моддалар (азот фосфор, калий) яхши ўзлаштирилади ва тупроқда органик модда миқдори (0,1-0,6%) ошади. Ғўза ва буғдойни пуштада мулчалаб етиштиришда ўсимлик томонидан тупроқдаги озика моддаларидан фойдаланиши мулча сифатида бериладиган органик моддалар меъёрига ва турларига чамбарчас боғлиқ.

6. Ўсимлик таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдори асосан берилган мулчалар тури ва сифатига қараб ўзгаради, мулчаланган вариантларда озика элементларини кўп тўпланиши ҳисобига ўсимликларни яхши ривожланиши таъминланади ва шунинг ҳисобига органик модда тўпланиб боради.

7. Қишлоқ хўжалик экинлари мулчланиб кам ишлов берилганда уларнинг интенсив ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги назоратга нисбатан юқори бўлди: сомон билан мулчалаганда 31,3 ц/га, ширинмия чиқиндиси билан 32,7 ц/га, гўнг билан 33,7 ц/га пахта ҳосили олинди ва мос равишда қўшимча ҳосил 2,3; 3,7; 4,7 ц/га, буғдой дони ҳосилдорлиги бўйича мулчалаб кам ишлов берилган вариантлар устунлик қилиб ғўзапояда 45,1 ц/га; ширинмияда 48,5 ц/га; гўнгда 51,4 ц/га, назорат вариантыда 41,0 ц/га, мос равишда 3,0; 7,3; 10,4 ц/га ва мошдан 1,1-2,0 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Мулчаш ва кам ишлов бериш орқали ғўза ва буғдой ўсимликларини миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси юқорилигини кўрсатади.

8. Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда қўлланилган технология натижасида қуйидаги иқтисодий самарадорликка эришилди: ғўза етиштирилган гўнг билан мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан 776263 сўм/га қўшимча даромад олинган ва рентабеллик 25,9%, мос равишда ширинмия чиқиндиси билан 639763 сўм/га ва рентабеллик 22,8%; сомон билан 776263 сўм/га ва рентабеллик 18,0% ташкил қилади.

Буғдой экилган гўнг билан мулчаланган ва кам ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан 519655 сўм/га қўшимча даромад, рентабеллик 32,7%, ширинмия чиқиндиси билан қўшимча даромад 420155 сўм/га, рентабеллик 24,3%, ғўзапоя билан қўшимча даромад 344155 сўм/га, рентабеллик 20,2% ни ташкил қилади.

9. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда, қишлоқ хўжалик экинларидан арзон, сифатли, барқарор ва юқори ҳосил олиш учун комплекс агротехник тадбирларга пуштада тупроқга мулчалаб кам ишлов берувчи қишлоқ хўжалик экинларини навбатлаб ва такрорий экинлар экиш тизимини жорий қилиш тавсия этилади.

10. Қишлоқ хўжалик экинларини пуштада мулчалаб ўстириш, кам ишлов бериш энг истиқболли усуллардан бўлиб, экишга тайёрлашда тупроқ юзаси текисланиб пушта олинади, ушбу пушта шудгорланмайди, фақат ҳар йили баҳорда тузатилади ва пуштани юза қисми юмшатилиб экинлар уруғи қадалади ва мулчланади, суғориш, ўғитлаш, қатор ораларини ишлаш ҳар бир қатор оралари орқали ташкил қилинади, кўп йиллик ва бир йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлардан белгиланган тартибда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И
АГРОХИМИИ**

МУСУРМАНОВ АЛИШЕР АМИРКУЛОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ПЛОДОРОДИЯ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ
МИРЗАЧУЛЬСКОГО ОАЗИСА ПУТЁМ МУЛЬЧИРОВАНИЯ И
МИНИМАЛЬНОЙ ОБРАБОТКИ**

06.01.03 – Агрочвоведение и агрофизика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD/Qx273.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: <http://www.soil.uz> и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу <http://www.ziynet.uz>.

Научный руководитель: Курвантаев Рахмонтой,
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Абдуллаев Анвар Хайдарович
доктор биологических наук
Парпиев Гафуржан Тахирович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский туман, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Сданной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский туман, ул. Камарнисо, 3. Тел.: (+99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2019 г)

Р.К.Кузиев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день «во всём мире более чем на 110 млн гектарах площадей внедрены почвозащитные технологии, из них в Бразилии и США на 26,5 млн, Канаде, Аргентине и Австралии на 14 млн га, Парагвае, Боливии, Китае, Испании, Финляндии на 2,4 млн гектарах»¹. Применение защитных ресурсосберегающих технологий является важнейшей задачей в рациональном использовании орошаемых полей, повышении их плодородия, получении высоких и качественных урожаев сельскохозяйственных культур.

На сегодняшний день в мире уделяется особое внимание внедрению ресурсосберегающей почвозащитной технологии минимальной обработки почв (Mini-till) или прямой посев (No-till), и мульчирование на поверхности почв различными материалами, в том числе, ведётся ряд научных исследований по приоритетным направлениям. Особое внимание уделяется влиянию технологии минимальной обработки на водно-физические, физико-механические свойства почв, оптимизации агрохимических и агрофизических свойств почв путём применения способов мульчирования, применение современных агротехнологий, способствующих повышению плодородия.

На сегодняшний день в нашей Республике проводятся ширококомасштабные мероприятия по внедрению ресурсосберегающих технологий по эффективному использованию орошаемых почв. В целях научно-обоснованного развития земледелия, которое позволяет оптимизировать физические, химические свойства, улучшить плодородие почв, повысить урожайность сельскохозяйственных культур, однако исследованиям по применению технологии мульчирования с минимальной обработкой на орошаемых почвах, не уделялось достаточного внимания. В Стратегии Действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечено, что «...внедрение интенсивных методов в сельскохозяйственное производство, особенно водных и ресурсосберегающих современных агротехнологий»² определены как важнейшие стратегические задачи. В этом отношении особое значение имеет экономия средств, полученных за счет мульчирования орошаемых почв и применения технологии минимальной обработки, снижение плотности пахотного слоя почв, оптимизация их агрофизических, агрохимических свойств, сохранение и повышение плодородия почв, экономия воды, увеличение эффективности удобрений, их влияние на рост, развитие сельскохозяйственных культур, повышение урожайности, получение экологически чистой продукции.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных В Указе Президента

¹www.fao.org

²Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан от 31 мая 2017 года ПФ-5065 «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, усовершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения государственных кадастров», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям науки и технологии Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по изучению влияния мульчирования и минимальной обработки почв на плодородие почв и другие их свойства проведены за рубежом и в Республике. Зарубежными учеными A.Galeton, V.Mahrez, J.Katan, G.B.Edmond, J.N.Landers, Tian Li Wen, X.Bangfa, Chen Guan Wen, S.Sarkar, X.P.Allen, K.Keller, K.Krowetto, X.X.Bennet, U. Loudermilk и отечественными учеными И.Тураповым, Ш.Т.Халикуловым, Г.А.Безбородовым, Б.И.Ниязалиевым, К.М.Ачиловым, О.Махмудовым, Р.Курвантаевым, А.С.Шамсиевым, А.Санакуловым, Л.Мирзаевым, О.Эгамбердиевым, О.Пулатовым, Ш.Ахмирзаевым, А.Нурбековым проведены такие исследования. Однако исследований по изучению технологии совместного применения мульчирования и минимальной обработки почв в системе чередования культур «хлопчатник-пшеница» не проводились и, вместе с этим, не применялось мульчирование почв с остатками растений солодки.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ организации, где выполнена диссертация.

